Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 5-fevral, payshanba, № 18 (3523)

*Юксак марраларни кўзлаган ҳар қандай миллат, халқ учун таълимни ривожлантириш ҳаёт ва мамот масаласидир.*

**Ислом КАРИМОВ**

## Замонавий ва кўркам






**Фарғона шаҳар Алишер Навоий кўчасида "Artel" компаниясининг маиший техника маҳсулотларини сотишга ихтисослашган савдо мажмуаси иш бошлади.**

"Давр" тижорат ишлаб чиқариш фирмаси сармояси ҳисобига қурилган замонавий, кўркам ва барча қулайликларга эга мажмуада юз турдан зиёд маиший техника воситалари сотилмоқда. Тўловни нақд пул ва пластик карточка орқали амалга ошириш имконияти яратилганидан аҳоли мамнун.

**ЎзА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар**

▽Сайлов — 2015




***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди.***

## ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА 44 САЙЛОВ УЧАСТКАСИ ТУЗИЛДИ

Қонунчиликка мувофиқ, сайлов участкалари асосий мезон — сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш ҳисобга олинган ҳолда тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги Ташқи ишлар вазирлигининг таклифини кўриб чиқиб, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 44 та сайлов участкасини тузиш ҳамда уларни 14-Тошкент шаҳар сайлов округига бириктириш ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур участкаларда сайловчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда мамлакатимиз ва чет эл журналистларини аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам муҳокама этилди. Марказий сайлов комиссиясига белгиланган тартибда мурожаат қилган оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сайлов тўғрисидаги қонунчилик талаблари инобатга олинган ҳолда сиёсий партиялар томонидан тақдим этиладиган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун Марказий сайлов комиссияси ҳузурида ишчи гуруҳлари тузиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ишчи гуруҳларининг асосий вазифаси имзо варақаларининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқлиги ҳақидаги хулосаларини белгиланган муддатда беришдан иборат.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

▽Шукрона

Турли соҳаларда меҳнат қилдим. Фаолиятимнинг сўнгги ўн беш йили халққа наф келтирувчи ташкилот бўлмиш касаба уюшмаларида кечди. Самарқанд туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасига раҳбарлик қилиш жараёнида одамлар ишончини оқлаш, уларни жамоат ташкилоти томонидан яратилган имтиёз ва кафолатлардан баҳраманд этиш,

## ҲАР ДОИМ ДУОДАМИЗ

ҳуқуқий саводхонлигини оширишга бор кучимни сафарбар этдим. Тан олиш керак, касаба уюшмалари ишида тобландим. Масъулиятли тармоқда ишлашнинг ўзига яраша гашти бор экан. Ҳар куни кимгадир фойданг тегиш... Буни англаб ишлашнинг завқи бошқача бўларкан. Тизим фаолиятини жонлантириш, сафни кенгайтириш борасида кўп иш қилдик. Ҳар ҳолда меҳнат фаолиятимнинг энг қайноқ даврини ана шу ташкилот сафида ўтказдим, десам муболаға эмас.

Донишмандлар умрни оқар сувга қиёслашади. Бу ҳақиқат. Умримизнинг ўша ўт-оловли дамлари ўтиб, эндиликда унинг ўрнини вазминлик, донишмандлик, мулоҳазакорлик фасллари эгаллади. Ҳозирда фарзандлар, набиралар, маҳалла-кўй эъзоз-эҳтироми, давлатимиз ғамхўрлиги остида кексалик гаштини сураяпмиз. Рўзғор бут, тўкис. Ҳеч нарсадан камлик кўрганимиз йўқ. Кексаликда бу неъматлар қадри беқиёслигини теранроқ англаркансан киши. Илоё, тинч-осуда турмушимизга, фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин. Ёшларимиз ўз олдига улкан мақсадларни қўйиб, юксак чўққиларни забт этишсин. Биз кексалар кеча-ю кундуз Яратгандан шуни сўраймиз.

**Зумрад ЖЎРАҚУЛОВА,**
**меҳнат фахрийси.**
**Самарқанд вилояти**

▽Фахр

***Қулай, шинам ва замонавий! Айни вақтда юртимиз қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган турар жойларга ана шундай таъриф берилмоқда. Негаки, ушбу уйлар нафақат ташқи кўриниши, яратилган шарт-шароитлари билан ҳам барчани лол қолдирмоқда.***

## ОБОД ГЎШАЛАР

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида бошланган бунёдкорликлар мамлакатимизнинг барча гўшаларида, жумладан, Сурхон воҳасида ҳам кенг қулоч ёйган.

Миллий ва замонавий архитектурани мужассамлаштирган турар жойлар воҳанинг чекка қишлоқ ва овулларида ҳам барпо этилаяпти. Ҳозиргача қишлоқ жойларда 3 минг 772 та шинам уй-жой қад кўтарди. Термиз шаҳрида эса 36 та замонавий кўп қаватли уй бунёд этилди. Шаҳар аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида кўп қаватли биноларда турли савдо, маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Ўтган йили умумий қиймати 142,2 миллиард сўм бўлган 887 та уй-жойнинг қурилиш-монтаж ишлари якунига етказилди. Биноларнинг ичимлик суви, иситиш тизими, газ ва электр-энергия таъминоти узлуксизлиги ва барқарорлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса чекка қишлоқлар ҳам шаҳардагидек кўркам қиёфа касб этишига сабаб бўлаётир.



ЎзА сурати

Қувонарли жиҳати, жорий йилда ҳам 975 та намунавий уй-жой учун 18 та массив танланиб, қурилиш ишлари амалга ошириладиган ер майдонлари ажратилди.

**Ўз мухбиримиз**

▽Долзарб мавзу

***Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Халқаро эпизоотия бюроси маълумотларига кўра, сайёрамизда бир қатор хавфли юқумли касалликлар, хусусан, куйдирги, крим-конго геморрагик иситмаси бўйича вазият мураккаблигича қолмоқда. Бу муаммоларнинг олдини олиш ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, профилактика, санитария-тарғибот тадбирлари кўламини кенгайтиришни талаб этаётир.***

## ХАВФЛИ ИНФЕКЦИЯЛАР КИРИБ КЕЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббий-ижтимоий йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида санитария-эпидемиология муҳити барқарорлигини таъминлаш, юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилаётган доимий эътибор туфайли юртимизга хавфли инфекциялар кириб келиши ва тарқалишининг олди олинаётир.

Ҳар йили тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва тиббиёт муассасалари, санитария-эпидемиология, ветеринария хизматлари, жамоат тузилмалари иштирокида эпидемияга қарши чора-тадбирлар режаси қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу жараёнда жойлардаги санитария назорати, ветеринария пунктлари фаолиятини янада такомиллаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини қатъий назоратга олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган бундай ишлар натижасида куйдирги касаллигининг табиий ўчоқлари устидан доимий лаборатория мониторинги юритилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, куйдирги ва крим-конго геморрагик иситмаси қўзғатувчиларининг асосий манбалари чорва моллари ҳисобланади. Шу боис чорва моллари ўртасида профилактика чора-тадбирларини ўтказиш, ветеринария пунктлари ва лабораторияларининг салоҳиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Ана шу вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида чорва молларини ўз вақтида ветеринария кўригидан ўтказиш, юқумли касалликларга қарши эмлаш, мол сўйиладиган кушхоналар, майдончалар барпо этиш, уларни зарур воситалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

●●○●▶3

▽Қулайлик

***Нурота тумани марказидан анча олисда бўлган Папанай қишлоғидаги Нурота маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ҳар жиҳатдан намунали фаолият кўрсатиб келади. Бироқ, қишнинг совуқ кунлари бошлангач, биринчи соат дарсларига кечикиб келувчилар пайдо бўла бошлади.***



## КОЛЛЕЖГА – АВТОБУСДА

Икки-уч кунлик таҳлилни кузатар экан, муассаса касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Қаршиев масала моҳиятининг анча жиддий эканини англади. Сўнгра қатъий қарорга келиб, коллеж раҳбари Бахтиёр Бўроновнинг ҳузурига кирди.

— Бир таклиф бор. Муассасамизда олис қишлоқлардан қатнаб ўқийдиган йигит-қизлар талайгина. Йўналиш бўйича доимий автобус қатновини йўлга қўйишга эришмасак бўлмайди, — деди у фикрини лўнда қилиб.

Бу таклиф бир кунда ҳал бўлиб қоладиган иш эмас, албатта. Аммо, "Кўпнинг гапи — бор гап" деганларидек, туман ҳокими аралашуви билан масалага ижобий ечим топилди. Шу кунларда ҳудуддаги Оққула, Жарма, Бурлибой, Хайработ, Сойкечар ва Гиламтамғали қишлоқларига автобус қатнови йўлга қўйилди. Талаба-ўқувчилар ундан фойдаланишда йўл ҳақининг 50 фоизини тўлашмоқда.

— Коллежимизда касаба уюшмаси фаолияти учун барча шароит яратиб берилган, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Б. Қаршиев. — 72 нафар аъзо ҳамда 403 нафар ўқувчи манфаатлари ҳимояси учун бор имкониятни ишга солаяпмиз. Яқин кунларда Тошкент шаҳри бўйлаб икки кунлик саёҳат уюштиришни ният қилганмиз.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**"Ishonch" мухбири**

▽Уйғоқ фикр

***Йиллар ва йўллар. Бу икки сўз замирида жуда катта маъно мужассам: инсон боласининг туғилиши, катта бўлиши, кечинмалари, илм олиши, ҳаракати, ўзига бўлган ишончи...***

## НИШОН БОБО ЎЙЛАРИ

### ёхуд таълим соҳасидаги ислоҳотлар самараси

Буни қарангки, кечагина мактаб остонасига қадам қўйган икки ўйинқароқ неварасининг бири бугун — коллеж ўқувчиси, иккинчиси олийгоҳни битирган мутахассис! Улар бу даражага файзли оиласи, ўзи яшаётган давр, яратиб берилган имконият-у шароит, ўтиб бораётган йиллару босиб ўтилган йўллар етаклаб келганини сезмай қолишгани ҳам аниқ.

Нишон бобо ҳар бир кўчатини авайлаб ўстирган боғига боқиб, набиралари ҳақида хаёл қиларкан, кўксида ғурур туярди. Яқиндагина қишги таътилга келишганида суҳбат асноси ҳар иккисида ўзига бўлган ишонч ва қатъиятни кўриб, ич-ичидан қувонди. Ака-уканинг чет тилларда бийрон-бийрон суҳбатлашаётганидан ҳайратланиб сўради:

— Қайси тилда гаплашаяпсизлар?

— Бобо, бу инглиз тили. Бундан ташқари, немис тилини ҳам унча-мунча биламиз, — деди каттаси.

— Баракалла, болаларим, — деди бобо мамнун қиёфада. — Тил билган — эл билади, дейишади. Қанча кўп билсанглар, шунча яхши. Сизларга шундай шароитларни яратиб берганларнинг отасига раҳмат.

Бобо невараларининг зукколигу билимдонлигида таълим соҳасидаги ислоҳотлар самарасини ҳис қилади. Президентнинг уч йил бурун қабул қилинган чет тилларни ўрганишни янада такомиллаштириш тўғрисида қарори невараларидек ёшлар учун қанот бўлганлигидан ҳам яхши хабардор. Энди ёшларимиз парвози бундан-да баланд бўлиши шубҳасиз. Бутун умрини ўқитувчиликка бағишлаб, ёшларга таълим-тарбия берган Нишон бобога бу туйғу яхши таниш.

...Кечаси ёққан қор боғни оқликка буркаган. Кун чошгоҳга яқинлашган, илмилиқ ҳаво. Чор атроф, дарахтлар-да оқ либосда, бобонинг эгнидаги либоси ҳам оппоқ. Эслайди, мамлакат мустақилликка эришган илк йилда қўшни қишлоқдаги қудасидан олиб келиб ўтқазган, ҳозирда шиғил мева бериб, катта дарахтга айланган ёнғоқ ҳам оқликка йўғрилган. Бутун олам оқлика, оппоқ тилакларга буркангандек гўё. Қор қоплаб ётган боғи, узоқларда кўзга ташланаётган оппоқ тоғларга боқаркан, хаёли ёшлик йилларига кўчади.

У пайтлар чет тилини ўрганиш у ёқда турсин, Накуртдай катта бир қишлоқда тузукроқ мактаб ҳам йўқ эди. Дастлаб беш чақиримлар юқоридаги учта синфхонаси бор мактабда бошланғич таълимни олишгач, болалар ўқишни давом эттириш учун Гарашага қатнашарди. Икки қишлоқ ўртасида овлоқ даштлар, чангалзорлар бўлиб, ўқувчиларнинг мактабда ётиб ўқишига тўғри келарди. Мактаб омборхонасига туташ икки кулба уларга ётоқ вазифасини ўтарди. Шанба куни дарсдан чиққач улов(эшак ёки от)ларда кўплашиб уйларига қайтишар, ҳафтанинг биринчи куни тонгда ҳамишагидай хуржунларига ҳафталик егуликни солиб, ортга йўл олишарди. Қиш кунлари совуқда дийдираб, жондор (бўри)га дучор бўлиб қолишдан қўрқиб, не бир ҳадикда бориб-келишарди. Ота-оналар ҳам минг ўйда, фарзандлари билим олсин учун мажбурликдан мактабга юборарди. Мактабда ўқитувчилар етишмас, бир ўқитувчи икки-уч фандан ҳам кираверарди. Баъзан дарсларни юқори синф ўқувчилари кириб ўтарди.

Лекин ёш Нишонда илмга бўлган иштиёқ баланд эди. Бир ўқитувчисининг этагидан маҳкам тутди. Кечалари уйига бориб, сабоқни давом эттирди. Мактабни тугатгач, унинг тавсияси билан Тошкентга йўл олди. Минг машаққат билан педагогика институтига ўқишга кирди. Битиргач, ортига қайтди. Бу орада қишлоқда мактаб қурилган эди. Нафақага чиққунча ўша мактабда ўқувчиларга сабоқ берди, директорлик қилди.

●●○●▶3

2015-yil 5-fevral, payshanba, № 18 (3523), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

▼ Сарҳисоб

***Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ходимлар манфаатларини таъминлаш борасида ўтган йили қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Ҳуқуқий маслаҳатхона» ва «Ишонч телефони» орқали 100 нафарга яқин фуқаронинг ёзма ва оғзаки саволларига жавоб берилди, 70 нафардан зиёд фуқаролар ҳуқуқий маслаҳатлар туфайли ўз муаммоларига ечим топишди. Қишлоқлардаги эҳтиёжманд оилаларда истиқомат қилаётган хотин-қизларнинг маиший шароитини яхшилаш мақсадида бирлашма томонидан 170 нафар хотин-қизга электр маиший техника жиҳозлари бепул тарқатилди.***

# ҲАММАСИ ИНСОН УЧУН

Аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида бирлашма кенгаши қошида «Зодиак» касаба шўъба корхонаси ташкил этилди ва 34 миллион сўмга хориждан тикув машиналари харид қилиниб, 20 та янги иш ўрни очилди. Бундан ташқари, оила қурган 86 нафар ёшларга уй-жой қурилиши учун, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 96 нафар талабанинг контракт пулларини қоплаш, эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 2504 нафар фарзандига дарслик ва ўқув қуроллари харид қилиш, 412 нафар болажоннинг чет тилларини ўрганиши учун, шунингдек, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 554 нафар ёш оналарга касаба уюшмаси маблағи ҳисобидан жами 716,4 миллион сўмлик ижтимоий кўмак берилди.

Касаба уюшмалари томонидан ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Чунончи, «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида Термиз шаҳридаги 12- «Меҳрибонлик» уйига компютер жамланмаси ҳамда турли спорт жиҳозлари тақдим этилди. Болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида Ангор, Шеробод, Сариосиё ва Узун туманларидаги қишлоқ мактабларида «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбирлари ўтказилиб, илк бор 1- синфга қадам қўйган 785 нафар ўқувчига санитария-гигиена совғалари топширилди. Сурхон воҳасининг шаҳар ва туманларидаги 500 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларининг Термиз шаҳридаги Археология музейи, Ҳайвонот боғи ва «Болажон», «Дўстлик» каби истироҳат боғларига саёҳатлари уюштирилди. Соғломлаштириш мавсумида ташкил этилган 6 турдаги 140 та оромгоҳда 18100 нафар бола дам олдирилди. Термиз шаҳридаги 12-«Меҳрибонлик» уйининг 50 нафар тарбияланувчиси, кам таъминланган оилаларнинг 501 нафар фарзанди бепул соғломлаштирилди. Воҳанинг экологик иқлими оғир бўлган Узун ва Сариосиё туманларида яшаётган кўп болали ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 100 нафар фарзанди Самарқанд вилояти Ургут туманида жойлашган «Золотинка» оромгоҳида дам олдирилди.

Истеъдодли болажонларни қўллаб-қувватлаш ва улар иқтидорини рўёбга чиқариш мақсадида турли кўрик-танлов ва тадбирлар ташкил этилаётир. Хусусан, «Истиқлол ғунчалари» танлови, «Касаба-тур» веломарафони, шахмат-шашка спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолибларга касаба уюшмаларининг эсдалик совғалари топширилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида касаба уюшмалари томонидан кам таъминланган оилаларнинг 2709 нафар фарзандига 76,1 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 2005 нафар коллеж битирувчисига амалиёт ўташ даврида 38 млн. 500 минг сўм маблағ йўналтирилди. Ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган 16 нафар иқтидорли талабага касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан 15,4 миллион сўмлик стипендиялар жорий этилди.

Жамоа шартномалари орқали 2500 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 7317 нафар ишчи-ходим, уларнинг фарзандлари, кам таъминланган оилаларга иш берувчилар ҳамда касаба уюшмалари томонидан 716 млн. 900 минг сўмлик ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди.

«Касаба уюшмалари — фахрийларга!» акцияси доирасида 238 нафар иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси ҳамда ҳарбий хизматни ўташ пайтида ҳалок бўлган 12 нафар Ватан ҳимоячиси оилаларига манзилли ёрдам кўрсатилганлигини қайд этиш лозим. Шунингдек, 2 минг нафардан ортиқ касаба уюшма аъзолари ва уларнинг оила аъзолари республикамиз санаторийларида соғломлаштирилди.

— Умуман олганда, «Соғлом бола йили» Давлат дастури тадбирларининг ижроси учун 3 миллиард 109.6 миллион сўм сарфланиб, шундан 990.4 миллион сўми касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан амалга оширилди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**"Ishonch" мухбири**

▼ Ўқув-семинар

***Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Меҳнат жамоаларида жамоа шартномаларининг бажарилиши якунлари ва касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловлар бўйича умумий йиғилишларга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш масалалари" мавзуида ўқув-семинар ташкил этилди.***

# ТАРАДДУД

Тадбирда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассислари Ҳ.Матисаев, О.Аҳроров, Ҳ.Усмонов томонидан ҳисобот-сайловларни ўтказиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш борасида кенг тушунча берилди. Иштирокчилар 2014 йил якунлари ва 2015 йилдаги устувор вазифалар хусусида зарур маълумотларга эга бўлишди.

Ўзаро савол-жавобларда бошланғич қўмиталар фаолиятида учраётган айрим муаммо ва камчиликларга ечим топиш ҳамда бартараф этиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Нурилло НЎЪМОНОВ,**
**"Ishonch" мухбири**

# ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИГАН МАСКАН

*Бухоро нефт ва газ саноати касб-ҳунар коллежида 1 минг 300 дан ортиқ ўқувчи нефт ва газ саноатининг ўн йўналиши бўйича таълим олмоқда. Бу ерда назарияни амалиёт билан уйғун олиб бориш учун барча шароит яратилган. Ўқув-лаборатория ва амалиёт хоналарида замонавий ўқув жиҳозлари, техника ва технологиялардан кенг фойдаланиш имконияти мавжуд.*



**Суратда:** Бухоро нефт ва газ саноати касб-ҳунар коллежида.

**ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат**

▼ Бошланғичда нима гап?

> **"Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шартидир".**
>
> **Ислом КАРИМОВ**

# ТАЛАБАЛАР ҒАМХЎРИ

Қашқадарё вилояти иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари жойлашган воҳалардан бири. "Муборакнефтгаз", "Шўртаннефтгаз", "Муборак газни қайта ишлаш заводи" унитар шўъба корхоналари, "Шўртангазкимё" мажмуаси, "Толлимаржон иссиқлик электр станцияси" унитар корхонаси, "Гиссарнефтгаз" МЧЖ қўшма корхонаси шулар сирасидандир.

Мутахассислар эса, асосан, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида тайёрланади. "Нефт ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш", "Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси", "Кончилик иши", "Энергетика" каби қатор йўналишларда соҳа эгасига айланган ёшлар бугун корхона ва ташкилотлар ўзагини ташкил этяпти.

6000 нафарга яқин талаба таҳсил оладиган Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида 704 нафар ходим меҳнат қилади. Уларнинг 360 нафари профессор-ўқитувчилар. Олий ўқув юртининг ходимлар ва талабалар касаба уюшма қўмитасига Файзиддин Тиловатов етакчилик қилади.

## ҚУЛАЙ ШАРОИТ

— Касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан биргаликда ходимлар ва талабалар манфаати, уларнинг хавфсиз меҳнат шароитида ишлаши ҳамда ўқиши учун ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқда, — дейди Файзиддин ака. — Ижтимоий шериклик асосида 2012 — 2014 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаси бажаралишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ходимлар ва талабаларнинг оилавий аҳволидан, уларнинг ташвиш ва муаммоларидан хабардор бўлиш, касаба уюшмасига бўладиган ҳар бир мурожаатни ижобий ҳал этишга интилиш кундалик ҳаёт тарзига айланиб қолган, десак, муболаға бўлмайди. Институтда ўқийдиган имконияти чекланган талабалар, эҳтиёжманд оила фарзандлари ҳамиша меҳр-мурувват оғушида. Дарвоқе, касабақўм етакчисининг ўзи институт волейбол жамоаси аъзоси эканлиги боисми, бошқа педагог ва талабаларнинг ҳам спорт тадбирларига иштиёқи баланд.

Ходимнинг сиҳати жойида бўлса, фаолиятида ҳам унум бўлади. Шуни инобатга олиб, талаба ҳамда ишчи-ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилган. Талабалар турар жойи, ўқув аудиториялари, ходимлар хизмат қиладиган асосий иш ўринлари хавфсизлиги юзасидан назорат кўриги ташкил этилгани ҳам ўз натижасини бермоқда.

Институтда маъмурият томонидан касаба уюшма қўмитаси фаолиятини янада ривожлантириш учун "Иш юритувчи" штати жорий қилингани алоҳида эътиборга лойиқ. Унга кўра, иш юритувчи котиб қўмита раисига кўмакчи бўлмоқда.

Бундан ташқари, институтда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича махсус хоналар ажратилиб, ҳар бир бинонинг кириш жойида баннерлар кўзга ташланади. Шунингдек, хавфсизлик техникаси бурчаклари мавжуд.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этиб келинаётган Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш бўйича республика кўрик-танловининг 2013 йил якунларига кўра Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ноишлаб чиқариш тармоқлари йўналишида фахрли учинчи ўринга лойиқ кўрилгани ҳам бежиз эмас.

Шунингдек, институт Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ўтказилган тармоқ кўригида "Энг яхши корхона" ва "Энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили" номинацияларида 1-ўринга, "Энг яхши касаба уюшма қўмитаси" номинациясида эса фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлган.

## РАҒБАТ

Юртимизда ёшларнинг чуқур билим олиши учун яратилаётган шароитлар толиби илмларни руҳлантирмай қолмайди. Институтнинг Ёш олимлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар сўзимизга мисол бўла олади. Жумладан, ёш олим Санжар Тоштемиров касаба уюшмалари томонидан ўтказилган "Йилнинг энг фаол ёш олими" кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичида ғолибликка эришди.

— Федерацияси Кенгашининг ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш йўлида ғоят хайрли тадбирга қўл ургани эътирофга лойиқ, — дейди Санжарбек. — Танлов жараёнида ютуғу камчиликлар яққол намоён бўлди, керакли хулосаларни чиқаришга имкон берди. Соҳадаги янгиликлардан бохабар бўлиш, дунё олимлари фаолиятини чуқурроқ ўрганиш мақсадида тил ўрганишга қаттиқ киришдим.

Кези келганда айтиш жоизки, институтда бажарилаётган илмий-техника дастурлари доирасида давлат грантлари бўйича илмий лойиҳаларга ўндан зиёд ёш олимлар жалб қилинган.

Ёш олимлар кенгаши аъзоси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Хуршида Холиқова республика миқёсидаги илмий анжуман ҳамда "Илм юлдузлари" интеллектуал кўрик-танловининг Республика босқичида учинчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совға ва сертификат билан тақдирланганлигини фаолиятга берилган ўзига яраша баҳо деб қайд этиш мумкин.

Институтда ёш педагог олимлар учун Германия академик алмашинуви (DAAD) дастурининг "Ривожланаётган мамлакатларда илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим тизимини такомиллаштириш гранти" бўйича олинган замонавий жиҳозлар асосида "Қайта тикланадиган энергия манбалари" ўқув-илмий лабораторияси ташкил этилди. Бу ёш олимлар илмий-тадқиқот ишлари савиясини янги поғонага олиб чиқди, деб бемалол айтиш мумкин.

**Акмал АБДИЕВ,**
**"Ishonch" мухбири**

▼ Эътибор

***Ҳеч кимга сир эмаски, ишчи-ходимларнинг ойлик маошларини ўз вақтида олиши оилавий фаровонлиги ошишига сабаб бўлади. "Қўқонспирт" акциядорлик жамиятида меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар буни яхши билишади. Жамоа шартномасида белгиланган имтиёзлар уларнинг манфаатига хизмат қилаётгани ҳам бор гап. Корхонада 886 нафар ходим учун барча шароит яратилган. Ошхона, кутубхона ва спорт заллари фаолиятидан барча мамнун.***

# МУНОСИБ ҲИМОЯ

— Ўтган йилда биргина моддий ёрдамлар учун 640 млн. 217 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Яратилган қулай шароит ва ойлик маошларнинг вақтида бериб борилиши боис бўлса керак, корхонамизда ишлашни хоҳловчи ёшлар сони ортиб бормоқда, — дейди корхона меҳнат ва иш ҳақи бўлими мудири Дилбар Юсупова.

Корхонада янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Ёрдамчи хўжалик ташкил этиш орқали янги иш ўринлари вужудга келди. Иссиқхона ва корхона ёрдамчи хўжалигида боқилаётган чорва моллари туфайли гўшт, сут-қатиқ маҳсулотларига эҳтиёж тўла қондирилаётир.

Касаба уюшма қўмитаси раиси Абдумалик Ҳошимовнинг таъкидлашича, ишчи-ходимларнинг саломатлигини тиклашда бир қанча имтиёзлар мавжуд. Сиҳатгоҳларга берилаётган йўлланмаларнинг фақат 10 фоизи ходимлар, қолган 90 фоизи корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан қопланмоқда. Ишчилар оила аъзолари учун 40-45 фоизлик тўловлар амалга оширилади.

— Ишчи-ходимлар истакларини инобатга олиб, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийлардан ташқари "Рапқон", "Ўзбекистон", "Қизилтепа" сиҳатгоҳлари билан ҳам шартномалар тузганмиз, — дейди касабақўм раиси. — Ўтган йили 101 нафар ишчи-ходим саломатлиги яхшиланди. Кексаларни эъзозлаш йилида жамоа шартномаларига ўзгартишлар киритиш орқали ишчи-ходимлар ва фахрийларимизга қулай дам олиш шароити янада яхшиланади.

Дарҳақиқат, аҳил меҳнат жамоаси жорий йилда ҳам меҳнат зафарларига эришиш орқали корхонанинг иқтисодий қудратини янада ошириш ва ўз меҳнатлари орқали янги марраларни кўзламоқда.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**"Ishonch" мухбири**

▼ Жамоа шартномаси — амалда

***— Касаба уюшма кенгаши раиси Алишер Юлдошев дастлаб 3 йил муддатга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаси лойиҳасини олиб келганида, ҳужжат моҳиятига унчалик эътибор бермай олиб қолавергандим. Ҳамкорлик имзосини қўйишдан олдин батафсил танишиб чиқишимга тўғри келди. Очиғи, тизим ходимлари ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясига доир ҳеч бир масала тушиб қолмаганлиги мени қойил қолдирди, — дейди Навоий шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Диляйра Тухфатулина.***

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Алишер аканинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан таъсис этилган "Эҳтиром нишони" совриндори бўлганлиги ҳам бежиз эмас. У фаолияти давомида нафақат ҳамкасбларининг, балки ижтимоий шерикларнинг ҳам ишонч ва ҳурматини қозонган.

Меҳнаткашнинг чинакам ҳимоячилари саналмиш тизим аҳли ҳақида бундай эътирофни эшитиш мароқли. Шундай бўлса-да, "Эшитгандан, кўрган афзал" қабилида иш тутишни маъқул билдик. Иш берувчи ва муассаса касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг қандай бажарилаётганини билиш мақсадида шаҳардаги 8-мактабгача таълим муассасаси, 11 ва 17-умумтаълим мактабларида ҳам бўлиб, аъзолар ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан мамнун эканликларига амин бўлдик.

— 82 та бошланғич ташкилот таркибига бирлашиб, самарали меҳнат қилаётган 16793 нафар аъзонинг орзу ва қизиқишлари ўрганилиб, қўллаб-қувватланмоқда, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши раиси Алишер Юлдошев. — Ўтган йил давомида қарийб 24 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 41 нафар ходим ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан берилган йўлланмалар орқали турли сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклаб қайтди. 51 нафар аъзо эса касаба уюшма бюджети ҳисобидан ушбу имкониятдан баҳраманд бўлди. 60 нафар тизим ходимлари фаоллиги, ташаббускорлиги учун касаба уюшмаси томонидан рағбатлантирилди. Соҳада меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган 22 нафар отахону онахонлар республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида дам олдирилди.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**"Ishonch" мухбири**

**ФАКТ ▸** **2012-2014 йилларда пахта етиштириш ҳажми сақланган ҳолда, сабзавот етиштириш 16,3 фоиз, полиз экинлари 16,6 ва мева етиштириш қарийб 21 фоизга ўсди.**

